

ҚАРЗ МУНОСАБАТЛАРИДА КРЕДИТ ТАРИХИНИНГ АҲАМИЯТИ

Джалилов Шерзод Аскарлович

“Ипотека-банк” АТИБ Бошқарма бошлиғи sherzod.djalilov@ipotekabank.uz

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss6/a2

Аннотация

Бугунги кунда қарз олувчиларнинг кредит олишдаги энг катта муаммоларидан бири бу – қарз олувининг тўлов қобилияти бўла туриб қарз муносабатарига кириша олмаслигидир. Бунинг энг асосий сабабларидан бири салбий кредит тарихига бориб тақалади. Кредит тарихи ўзи нима, у қандай шаклланади, уни ким юритади, кредит тарихи қанча муддат сақланади деган саволларга ушбу мақолада етарлича жавоблар келтирилган бўлиб, муаллиф томонидан Америка Қўшма Штатлари банк тизимидаги кредит тарихи, унинг пайдо бўлиши мисол тариқасида ёритиб ўтилган.

Таянч сўзлар: Кредит тарихи, кредит-ахборот таҳлилий маркази, КАТМ, КАМИ, қарз муносабатлари, FICO, Кредит тарихи бу, кредит ахбороти алмашинуви, инфокредит.

ЗНАЧЕНИЕ КРЕДИТНОЙ ИСТОРИИ В ДОЛГОВЫХ ОТНОШЕНИЯХ

Джалилов Шерзод Аскарлович

Начальник управления “Ипотека-банк” АКИБ

Аннотация

Одной из самых больших проблем для заемщиков при получении кредита является то, что заемщик не может вступить в долговые отношения, даже несмотря на платежеспособность. Одной из основных причин этого является плохая кредитная история. В этой статье мы попытаемся ответить на такие вопросы, как что такое кредитная история, как она формируется, кто ее ведет, как долго хранится кредитная история? Также были использованы примеры, освещающие историю долговых инструментов в банковской системе Соединенных Штатов Америки и их появление.

Ключевые слова: Кредитная история, центр анализа кредитной информации, КАМИ, долговые отношения, FICO, Кредитная история это, обмен кредитной информацией, инфокредит.

THE IMPORTANCE OF CREDIT HISTORY IN DEBT RELATIONSHIPS

Sherzod Djalilov

Head of the department of JSCB Ipoteka-bank

Abstract

One of the biggest problems for borrowers while obtaining loan is that borrower can not enter into the debt relationship, even thought of payment capability. One of the main reasons for this is bad

credit history. In these article we will try to answer questions, such as what is the credit history, how is it formed, who maintains it, how long is the credit history kept? There was also used to examples to highlight the history of debt instruments in the banking system of the United States of America and its emergence.

Key words: Credit history, credit information analysis center, Credit Information Analytical Center, debt relations, FICO, Credit history is, exchange of credit information, infocredit

Кириш

Дунё ривожланиши таъсирида банкларнинг ҳам ривожланиши илдамлаб бормоқда. Банк фаолиятининг ривожланиш босқичига назар соладиган бўлсак, биринчи босқич - антик даврдан Венетсия банкининг пайдо бўлгунига қадар бўлган давр (1156 й.), иккинчи босқич - 1156 йилдан Англия банкининг ташкил этилишигача (1694 й.), учинчи босқич - 1694 йилдан XVIII аср охиригача ва тўртинчи босқич - XIX аср бошидан ҳозирги кунга қадар бўлган вақтни ўз ичига олишини кўришимиз мумкин.

Ўтмишда мижозларнинг кредитга лаёқатлик даражасини баҳолаш учун турли ҳил усуллар мавжуд бўлган бўлсада, замонавий кредит скоринг моделлари 1958 йилда Калифорниянинг Сан-Хосе шаҳрида жойлашган маълумотлар таҳлил компанияси - FICO асосчилари Билл Фэйр ва Эрл Исаак томонидан илк кредит скоринг алгоритмларини яратиш жараёнида юзага келган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ушбу илмий мақолада мавзуга оид амалий маълумотларидан, маҳаллий ва хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан ёзилган илмий адабиётлардан, қонунлардан, интернет нашрларидан ва журналлардаги мақолалардан фойдаланилган. Хусусан, хорижлик олимлардан Болецкая¹, В.В.Дик², А.Бурдинский³, А.Лебедев⁴, В.В.Юдин⁵, Ю.И.Коробов⁶, О.И.Лаврушин⁷ларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Мамлакатимиз олимларидан Ф.Абдувоҳидов, С.Абдуллаев, Ш.Абдуллаева, Н.Каримов, Т.Қоралиев, И.Муругова, К.Наврўзова, С.Норқобилов, У.Ортиқов, Х.Раҳимоваларнинг илмий ишларида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳисоби, кредит, скоринг амалиётлари ўз ифодасини топган бўлиб, уларни кредит тарихи билан боғлиқлиги тўлиқ ёритиб берилмаган.

Тадқиқот методологияси

Илмий мақола ёзилиши жараёнида илмий тадқиқот услубларидан ҳар иккала назарий ҳамда эмпирик усуллар элементларидан фойдаланилган. Хусусан назарий услублардан: таҳлил, аналогия, қиёслаш услубларидан фойдаланилган бўлса, эмпирик услублардан: кузатув, текшириш, тажриба иши ва синов услубларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунда қарз олувчиларнинг кредит олишдаги энг катта муаммоларидан бири бу тўлов қобилияти бўла туриб қарз муносабатарига кириша олмаслигидир.

¹ Болецкая К. Интернет-банкинг как часть розничного бизнеса // Банковское обозрение. – 2004. - № 10(64).

² Банковские информационные системы: Учебник // под ред. проф. В.В.Дика. М.: Маркет ДС, 2006.

³ Бурдинский А. Какой Интернет-банкинг нам нужен? // Мир Интернет. – 2000. - №11- <http://www.iworld.ru>

⁴ Лебедев А. Электронные деньги: миф и реальность // Интернет публикация. – <http://www.emoney.ru>

⁵ Юдин В.В. Перспективы дистанционного банковского обслуживания физических лиц. // Банковские услуги. 2006. №2

⁶ Коробов Ю.И., Канофьев А.В. Развитие информационных технологий и их влияние на банковскую деятельность. // Банковские

услуги. – 2003. – №5. - с. 12-15.

⁷ Банковское дело: учебник / О.И.Лаврушин, И.Д. Мамонова, Н.И. Валенцова (и др.) – 6-е изд., стер. –М.: КНОРУС, 2008. -

Бунинг энг асосий сабабларидан бири салбий кредит тарихига бориб тақалади. Кредит тарихи ўзи нима, у қандай шаклланади, деган саволларга ушбу мақоладан жавоб топишингиз мумкин.

Кредит тарихи бу – Сизнинг кредитдан қандай фойдаланганингизни акс эттирувчи ёзув бўлиб, ушбу ёзувлар Сизнинг кредит рейтингингизни аниқлашда муҳим рол ўйнайди ва Сизнинг ўтмишдаги пул ва кредит мажбуриятларини қандай ҳал қилганингизни тушуниш учун кредиторлар томонидан фойдаланилади. Кредит тарихи ҳақидаги ёзув (кредит ҳисоботи) Сизда мавжуд бўлган кредитлар, тўловлар, кечиккан тўловлар, кечиктирилган кунлар ва кредит лимитлари каби бошқа маълумотларни ўз ичига олади. Чет эл тажрибасида кредит тарихини берувчи компаниялар одатда етти йил давомидаги салбий маълумотларни бериши мумкин. Сизга қарши даъво ёки Суд қарори ҳақидаги маълумотлар етти йилгача ёки даъво муддати тугагунга қадар хабар қилиниши мумкин. Банкротлик ҳақидаги маълумотлар сизнинг кредит тарихингиз ҳақидаги ёзувда ўн йилгача қолиши мумкин.

“Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5 моддасига кўра Кредит ахбороти субъектининг бажарилиш санасидан эътиборан беш йилдан кўп вақт ўтган пул суммасини тўлаш мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотлар кредит тарихига киритилмаслиги қайд этилган.

АҚШ федерал қонунчилиги бўйича Кредит тарихидаги ёзувларга ер эгалари, кўчмас мулк бошқарувчилари, ижарага берувчилар салбий тўловлар бўйича маълумотлар бериши мумкин бўлиб, ушбу маълумотлар асосида шахснинг кредит тарихи шакилланиб боради. Кредит тарихи кишининг қай даражада тўлов қобилиятига эга эканлигини кўрсатиб, унга ишониш мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлашга ёрдам беради. Кредит тарихидан кўчмас мулк сотиб олаётганда, автомобиль сотиб олаётганда, электр тармоғига уланаётганда, суғурта шартномаси имзоланаётганда, ижара шартномаси имзоланаётганда фойдаланилади. Айрим ҳолларда иш берувчилар ҳодимнинг ишга қабул қилинаётган вақтида ҳам ундан фойдаланади. Мисол тариқасида шуни келтириш мумкинки, АҚШда ижарачилар ижарага мулк бераётганларида, ижарага мулк берувчи ижарага олувчининг кредит тарихини ўрганган ҳолда у билан шартнома тузишлари, ижарага олувчининг кредит тарихи мавжуд бўлмаган тақдирда, у билан ижара шартномаси тузишдан бош тортишлари мумкин. Ижарага олувчи ижара тўловларни ўз вақтида тўламаган тақдирда, ижарачи ижарага олувчининг кредит тарихига салбий маълумотларни ёзиши, натижада салбий кредит тарихига эга бўлган шахслар навбатдаги мажбуриятлар билан тўқнашганида кредиторлар томонидан жазоланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида банклар ва но банк қарз берувчи ташкилотлар қарз олувчининг кредит тарихи ҳисоботини (1-расм) “Кредит-ахборот таҳлилий маркази” креит бюросидан оладилар. Жисмоний ёки юридик шахслар ҳам ўз кредит ҳисоботларини <https://infokredit.uz/> порталидан электрон рақмли имзо орқали олишлари мумкин.




1-расм. кредит ҳисоботи⁸

“Кредит-ахборот таҳлилий маркази” креит бюроси томонидан тақдим этиладиган кредит ҳисоботида кредит ахбороти субъекти тўғрисида маълумотлар келтирилиб, унда кредит суъектининг исм шарифи, жисмоний шахсининг шахсий идентификация рақами, туғилган санаси, жинси, ҳуқуқий мақоми, рўйхатдан ўтган манзили, яшаш манзили, телефон рақами ва электрон почтаси тўғрисидаги маълумотлар акс этган бўлади. Кредит ҳисоботининг асосий параметрларидан бири бу кредит рейтинги (2-расм) бўлиб, у нолдан дан беш юзгача бўлган баллардан ташкил топган. Одатда, уч юздан юқори балл яхши, тўрт юздан юқори балл аъло ҳисобланади.



2-расм. Кредит рейтинги⁹

15 ⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди
⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди



1-жадвал. 2023 йил биринчи ярим йиллик ҳолатига Кредит ахборот субъектлари (жисмний ва юридик шахслар) томонидан олинган кредит тарихи ҳисоботлари юзасидан статистик маълумот¹⁰

Кредит ҳисоботинанг навбатаги бандида умумлаштирилган маълумотлар акс этган бўлиб, маълумотларда қарз олувчининг умумий аризалари сони, шартномалари сони, шартли мажбуриятлари сони, кредит ахборот субъекти бўйича сўровномалар ва обуналар сони, жорий мажбуриятлари бўйича ўртача ойлик тўлов суммаси, асосий қарз бўйича муддати ўтган тўловлар сони, муддати ўтган асосий қарзнинг максимал куни, муддати ўтган асосий қарзнинг максимал суммаси, узлуксиз муддати ўтган фоиз тўловларининг максимал куни, муддати ўтган фоиз тўловларининг жами суммаси



2-жадвал. 2023 йил давомида жисмний шахсларнинг кредит тарихи ҳисоботларини тақдим этиш тенденцияси¹¹

тўғрисидаги маълумотлар акс этади. Кредит ҳисоботининг қолган бандларида шунингдек, амалдаги шартномалар, шартномасиз аризалар, шартномалар, шартли мажбуриятлар ҳамда изоҳлар қайд этилган бўлади.

¹⁰ Кредит-ахборот таҳлилий маркази расмий сайти маълумоти: <https://infokredit.uz/uz/statistics/8>

¹¹ Муаллиф томонидан қилинган таҳлил натижасида ишлаб чиқилди.

Ҳисоботда кредит ахбороти субъекти бўйича сўровлар ва обуналар бўйича ҳам маълумотлар акс этган бўлиб, у ерда субъектнинг кредит тарихини олган ташкилотлар рўйхати акс этади. Қарз муносабатларига киришаётганда тажрибали қарз берувчи ташкилотлар кредит тарихини аввал кимлар олгани, олинган сўровлар бўйича шартномалар тузилган ёки тузилмаганига қараб Хулоса чиқарадилар.

“Кредит-ахборот таҳлилий маркази” креит бюроси томонидан тақдим қилинган статистик маълумотларга қараганда, жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида жисмоний ва юридик шахсларнинг жами 211 920 бирликдаги кредит тарихи ҳисоботлари бюродан олинган бўлиб, жумладан жисмоний шахсларнинг кредит ҳисоботлари 20917 тани ташкил қилади. Жисмоний шахсларнинг ҳисоботларини таҳлил қиладиган бўлсак, ярим йил давомида йил бошига нисбатан сўровлар сони 36 фоизга ёки 10850 бирликка ошган. Кредит ҳисоботлари тақдим этилиши шу тарзда давом этса, 2023 йил охирига бориб сўровлар сони 55 мингга яқинлашиши мумкин (2- жадвал).

Хулоса ва таклифлар

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, келажакда қарз берувчилар истеъмолчиларнинг тарихига қараб муносабатга киришади. Истеъмолчилар эса доимий равишда кредит тарихларини яхшилаб боришлари мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун кредит тўловини ўз вақтида тўлаш, мобил иловалар орқали тўланган пул ҳақида дархол қарз берувчига хабар бериш тавсия этилади. Кредит тарихи такомиллашиши ортидан бериладиган ссудалар келажакда муаммоли активлар салмоғини камайтиришга хизмат қилади. Кечиктириб тўланган хар бир тўлов кредит тарихига салбий таъсир қилиши, бу эса навбатдаги қарз муносабатига киришишда ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2011 йил 26 август;
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонуни. 1995 йил 21 декабр;
3. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 1996 йил 25-апрел;
4. Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида” ги Қонуни 2003 йил 30-август, 530- II-сон;
5. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Қонуни N 562-II 2003 йил 11 декабр;
6. Ўзбекистон Республикасининг “Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида” Қонун 2006 йил 4 апрел ЎРҚ-30- сон;
7. Банковское дело: Учебник / Под ред. Г.Н. Белоглазовой, Л.П. Кроливецкой. – М.: Финансы и статистика, 2006.
8. Положение Банка России от 12.04. 2001 №2-П "О безналичных расчетах в РФ".
9. Банковское дело/Под ред.В.И. Колесникова. - М.: Финансы и статистика, 2002.
10. Лаврушин О.И., Мамонова И.Д., Валенцова Н.И. (и др.) Банковское дело: учебник / – 6-е изд., стер. –М.: КНОРУС, 2008.
11. Юдин В.В. Перспективы дистанционного банковского обслуживания физических лиц. // Банковские услуги. 2006.
12. Коробов Ю.И., Канофьев А.В. Развитие информационных технологий и их влияние на банковскую деятельность. // Банковские услуги. – 2003.
13. Висящев А. Вытеснит ли Интернет–банкинг филиальные сети?//Банковское дело в Москве. №8. 2006
14. Волчик А. Интернет-банкинг: тотальность и мгновенность//Банковское дело в Москве. №8. 2006
15. Гуманков К. Виртуальный банк – у кого лучше?//Финанс. №2. 2007
16. Крахмалев С.В. Современная банковская практика проведения международных платежей. М.: ГроссМедиа: РОСБУХ, 2008
17. Рудакова О.С. Банковские электронные услуги. М.: Вузовский учебник, 2009.
18. <http://www.lex.uz>; (Қонун ҳужжатлари базаси);
19. <https://okvisa.by>;
20. <https://infokredit.uz/uz/> (Кредит бюро);